

## КОРХОНАЛАРНИНГ БОШҚАРИШНИ ЯХШИЛАШДА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Артиқов Баҳодиржон Махкамович*

*"University of economics and pedagogy" NOTM*

*Иқтисодиёт кафедраси асистенти, Андижон*

**Аннотация.** Мақола корхоналарниг ривожлантириш истиқболларини белгилашда иқтисодий таҳлилнинг методидан фойдаланиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга бағишиланган. Мақолада, корхоналарниг ривожлантириш истиқболларини белгилашда иқтисодий таҳлилнинг методидан фойдаланишниг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. Иқтисодий таҳлил методи нима? Иқтисодий таҳлилнинг методидан фойдаланиш орқали корхонанинг ривожлантириш истиқболлари қандай белгиланади? Корхонанинг ривожланиш истиқболларини белгилашда иқтисодий таҳлил ўтказишнинг қайси усусларидан фойдаланиш кўпроқ ижобий натижа беради? Каби саволларга жавоблар берилган.

**Калит сўзлар:** диалектика, услубий асос, жонли мушоҳада, абстракт тафаккур, амалиёт, метод, маҳсулот ҳажмининг ўсишига таъсир кўрсатувчи омиллар, сабаб-оқибат алоқаларини ўрганиш, кўрсаткичлар тизими, ижобий ва салбий омиллар, корхона фаолиятига боғлиқ (ички) омиллар, боғлиқ бўлмаган (ташқи) омиллар, самарадорлигини ошириш, дедуктив усул, индуктив усул.

**Аннотация.** Статья посвящена изучению использования метода экономического анализа и его особенностей при определении перспектив развития предприятий. В статье раскрываются возможности использования метода экономического анализа и особенности использования метода анализа при определении перспектив развития предприятий. Что такое метод экономического анализа? Как определить перспективы развития предприятия с помощью метода экономического анализа? Какие методы экономического анализа дадут более положительный результат при определении перспектив развития компаний? Даются ответы на такие вопросы.

**Ключевые слова:** диалектика, методологическая основа, живое наблюдение, абстрактное мышление, практика, метод, факторы, влияющие на рост объема продукции, изучение причинно-следственных связей, система показателей, положительные и отрицательные факторы, (внутренние) факторы, связанные с деятельностью предприятия, независимые (внешние) факторы, повышение эффективности, дедуктивный метод, индуктивный метод.

**Abstract.** The article is devoted to the study of the use of the method of economic analysis and its specific features in determining the development prospects of enterprises.

In the article, the possibilities of using the method of economic analysis and the specific features of using the method of analysis are revealed in determining the development prospects of enterprises. What is the method of economic analysis? How to determine the development prospects of the enterprise by using the method of economic analysis? Which methods of economic analysis will give a more positive result when determining the company's development prospects? Answers to such questions are given.

**Keywords:** dialectic, methodological basis, live observation, abstract thinking, practice, method, factors affecting the growth of product volume, study of causal relationships, indicator system, positive and negative factors, (internal) factors related to enterprise activity, independent (external) factors , increase efficiency, deductive method, inductive method.

Иқтисодий таҳлил диалектиканни ўрганишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Иқтисодий таҳлилнинг услубий асослари диалектика ва иқтисодий назария фанига таянади. Маълумки, билиш назарияси шунга асосланганки, у ҳам бўлса, объектив(мавжуд) дунёни билишдир. Бу дегани билиш жараёни диалектик хусусиятга эга бўлиб, воқеликнинг инъикосидир. Билиш назариясининг мантиқийлиги диалектик тарзда қўйидаги формулада акс этади, яъни: жонли мушоҳада, абстракт тафаккур, амалиёт.

Метод жуда кенг маъно ва тушунчага эга. Умуман метод деганда реал воқеликда юз берётган ҳодиса ва жараёнларни ўрганишга ёндашиш усули тушинилади. Фаннинг методи деганда эса, ушбу фаннинг объектини тадқиқ қилиш усули тушинилади.

Иқтисодий таҳлил методи деганда эса, бизнес-режанинг бажарилишига ва маҳсулот ҳажмининг ўсишига таъсир кўрсатувчи омилларни системали ва комплекс тарзда ўрганиш, ўлчаш ва умумлаштириш усули бўлиб, улар ҳисоб, ҳисобот ва ҳисобдан ташқари маълумотларни маҳсус усуллар орқали қайта ишланилиб, амалга оширилиши тушинилади.

Маълумки, таҳлил қилинаётган объектнинг фаолиятига ички ва ташқи омиллар таъсир кўрсатади. Шуни таъкидлаш лозимки, таҳлилда омиллар деганда у ёки бу иқтисодий кўрсаткичга ижобий ҳамда салбий таъсир кўрсатувчи фаол ҳаракат қилувчи кучлар назарда тутилади. Сабаб - термини нисбатан кенг кўламдаги комплекс омиллар тизимиға нисбатан қўлланилиб, бу комплексни ташкил этувчилар эса омиллар деб аталади.

Таҳлилнинг муҳим методологик жиҳатларидан бири унинг нафақат сабаб-оқибат алоқаларини ўрганиш, балки уларга миқдорий тавсиф бериши, яъни фаолият натижаларига омиллар таъсирини миқдоран ўлчашни таъминлаш саналади. Бу аналитик тадқиқотлар даражасини оширади.

Иқтисодий таҳлилнинг муҳим методологик жиҳати, корхонанинг хўжалик

фаолиятидаги иқтисодий жараён ва ҳодисаларнинг сабаб-оқибат алоқаларини комплекс, тизимли тадқиқ қилиш учун зарурий саналувчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш ҳисобланади.

Хўжалик фаолияти ва унинг натижавий кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар бекиёсdir. Аммо, уларнинг барчасини ҳисоблаш мақсадга мувофиқ эмас. Иқтисодий таҳлил жараёнида омилларнинг айrim томонлари, хусусиятларини инобатга олиб туркумлаш ва ҳар бирини алоҳида - алоҳида таърифлаш лозим. Иқтисодий адабиётларда омиллар қатор белгилари бўйича таснифланади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ижобий ва салбий омиллар;
- корхона фаолиятига боғлиқ (ички) омиллар, боғлиқ бўлмаган (ташқи) омиллар;
- ишлаб чиқаришнинг интенсив ва экстенсив омиллари;
- ишлаб чиқариш ва муомала жараёнлари омиллари.

Хўжалик юритиш самарадорлигини ошириш имкониятини аниқлашда ижобий таъсир этувчи омиллар харакатини кучайтириш ва уларнинг салбий таъсирини тугатиш резервлар деб аталади.

Дедуктив усул, асосан молиявий–иқтисодий таҳлилда қўлланилади. Бунда аввало хўжалик фаолиятини белгиловчи умумий кўрсаткичлар ўрганилиб, сўнgra улар бўлакларга бўлинади. Кўрсаткичларни бўлакларга бўлиш аслини олганда таҳлил демакдир.

Индуктив усул кўпинча техник-иқтисодий таҳлилда қўлланилади, яъни аввал, айrim олинган иш участкаларидағи кўрсаткичлар ҳар томонлама текширилиб, сўнgra ана шу аниқ кўрсаткичлардан корхонанинг хўжалик фаолиятини белгиловчи умумлашган иқтисодий кўрсаткичлар даражасига чиқилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг имкониятларини аниқлаш таҳлилнинг асосий мақсадини ҳам белгилайди. Яъни, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва корхонанинг молиявий натижаларини ҳамда ҳолатини яхшилаш бўйича субъектда мавжуд бўлган ички имкониятларни аниқлаш ва уларни амалиётга татбиқ этиш чора- тадбирларини белгилаш таҳлилнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Таҳлилда ҳар бир таркиб бўйича мавжуд бўлган ички имкониятлар аниқланиб уларга баҳо берилади. Жумладан, ишлаб чиқаришда меҳнат ресурслари бўйича имкониятлар, меҳнат воситалари ва улардан самарали фойдаланиш бўйича имкониятлар, меҳнат предметлари ва улардан самарали фойдаланиш бўйича имкониятлар, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш юзасидан имкониятлар мавжудлиги ва шу кабиларни белгилаш мумкин.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ички имкониятлари - ресурслардан фойдаланиш бўйича корхонада мавжуд бўлган, бироқ ишга солинмаган захираларнинг мавжудлигидан ташкил топади.

Бу имкониятлар биринчи навбатда корхонанинг меҳнат воситалари, технологиялари ва замонавий меҳнат воситалари билан куролланиш даражасига ҳамда уларнинг ҳолатига боғлиқ.

Иқтисодчи олимларнинг фикрича: — Имконият – корхона иқтисодини кучайтиришнинг муҳим воситасидир. Агарда субъектда улардан тўлиқ ва тўғри фойдаланилса ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш юзасидан муҳим ижобий натижаларга эришилади<sup>1</sup>.

Демак, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошириш қўп жиҳатдан мавжуд захиралардан фойдаланиш ҳолатига ҳам боғлиқ.

Корхона бизнес режаларини белгилашда барча имкониятлар ҳисобга олинади ва уларнинг реализацияси режа бажарилиши давомида амалга оширилади. Сабаблари ва унумсиз ҳаражатларни бартараф этиш туфайли эришилади. Ишлаб чиқариш имкониятлари фаолиятдаги технологияларни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда унинг ташкилий техникавий даражасини яхшилаш, меҳнатни ташкил этиш, бошқарувни такомиллаштириш кабилар орқали ҳам белгиланади.

Иқтисодий адабиётларда макро даражадаги имкониятларнинг таркиблашни қўйидаги уч гуруҳи ажратилади<sup>2</sup>:

1. Иқтисодиёт.
2. Тармоқ.
3. Ички хўжалик имкониятлари.

Корхонада ҳар бир имкониятдан мақсадга мувофиқ фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилиши зарур. Имкониятлар фаолиятни интенсив ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқариш имкониятлари фаолиятдаги технологияларни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда унинг ташкилий техникавий даражасини яхшилаш, меҳнатни ташкил этиш, бошқарувни такомиллаштириш кабилар орқали ҳам белгиланади.

Корхонада ҳар бир имкониятдан мақсадга мувофиқ фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилиши зарур. Имкониятларни аниқлаш механизми корхонанинг аниқ шарт- шароити ва олдига қўйган вазифаларига таянади. Иқтисодчи олим Т.Ш.Шоғиёсов томонидан унинг умумий тузилиши қўйидагича кўрсатилган<sup>3</sup>:

- ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги бош бўғин

<sup>1</sup> Ишонкулов Н.Ф. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. –Т.: Саностандарт, 2014. -264 б.

<sup>2</sup> Ишонкулов Н.Ф. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. –Т.: Сано-стандарт, 2014. -270 б.

<sup>3</sup> Шоғиёсов Т.Ш. Комплекс иқтисодий таҳлил. Дарслик. -Т.: Фан ва технология, 2012.

аниқланади. Уларга сарф-ҳаражатларни киритиш мумкин, чунки, маҳсулот таннархидаги уларнинг улуши юқори. Сарф-ҳаражатларни қисқартириш туфайли катта иқтисодий самарага эришилади;

- ишлаб чиқаришдаги — тор томонлар аниқланади, улар ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари, таннархини пасайтиришга имкон бермайди;

- ишлаб чиқариш типи ҳисобга олинади. Масалан, кенг кўламли ишлаб чиқаришда резервларни белгиланган кетма-кетликда аниқлаш тавсия этилади: маҳсулот, ярим тайёр маҳсулот, детал, операция жараёни; якка тартибдаги ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш циклининг айрим операциялари бўйича аниқланади;

- резервлар маҳсулотнинг ҳаёт циклини барча босқичлари ёки обьектлари(лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш, сотиш) бўйича аниқланади;

- моддий ресурслардан иқтисод, яъни, мавжуд меҳнат, ускуналардан фойдаланишда иқтисодга эришган тақдирдагина резерв комплект деб ҳисобланади.

Ички хўжалик резервлари деб, корхона фаолияти натижаларини ўрганишорқали аниқланган имкониятлар ва улардан фойдаланишга айтилади. Бундай резервларга иш вақтидан тўлиқ фойдаланмаслик, улар қаторига ишни ташкил этиш ва ишлаб чиқариш технологияларининг паст даражада бўлиши, хўжасизлик ва ҳоказолар туфайли иш вақтини йўқотилиши, моддий ресурслардан ортиқча сарфларга йўл қўйилишлари киради.

Иқтисодий таҳлил усули мазкур предметни ўрганиш жараёнига умумий жиҳатдан ёндашувдир. Шу сабабли, таҳлил усулини унга бўйсинувчи маҳсус усуллари билан аралаштириб бўлмайди. Зоро, аниқ шарт - шароит натижасида у ёки бу усулларнинг ўзгариши эҳтимолдан холи эмас.

Иқтисодий таҳлил усулиниң энг муҳим хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

1) Хўжалик фаолиятига таъсир этувчи техника, технология, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва барча омилларни текширишни мунтазам ва комплекс тарзда ўтказишга ёндошув таҳлил усулиниң энг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бу ўринда мунтазам таҳлилни комплекс таҳлил билан алмаштириш асло мумкин эмас. Объектни иерархик усул (бўйсуниш тартиби) орқали бошқариш, масалан, цех корхонанинг, корхона бирлашманинг, бирлашма тармоқнинг бир қисми ва ҳоказо сифатида ўрганиш системали таҳлилга мисол бўлади. Комплекс таҳлилда барча кўрсаткичлар ўрганилади.

2) Таҳлил усулиниң ўзига хос характерли хусусиятларидан бири – иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳар томонлама бир-бирлари билан сабабий боғланишида эканлигидир. Бу борада таҳлилнинг вазифаси ана шу

сабабларни аниқлашдир. Шуни таъкидлаш керакки, ҳатто айрим олинган иқтисодий кўрсаткичга бир қанча сабаблар таъсир кўрсатади. Бинобарин, бу сабаблар ҳаракатини аниқлаш жуда ҳам мураккабдир.

Шу сабабли асосий ва ҳал қилувчи сабаб ва омиллар таъсирини аниқлаш керак. Шундай қилиб, таҳлилнинг дастлабки шарти хўжалик фаолиятига таъсир этувчи сабабларни иқтисодий белгиларига қараб тўғри туркумлаш зарур. Масалан, товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилувчи омиллар уч гурухга умумлаштирилади.

Меҳнат омилларига корхонанинг ишчи кучи билан таъминланиши, иш вақтидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги киради.

Меҳнат воситалари омилларига эса корхонанинг асосий фондлар билан қай даражада таъминланганлиги, уларнинг ҳажми, структураси (тузилиши), ўсиш суръатлари, техник ҳолати ва улардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси сингари масалалар киради.

Меҳнат предметлари омилларига корхонанинг хом- ашё ва асосий материаллар билан таъминланганлиги, улардан фойдаланиш, самарадорлик даражаси каби масалалар киради.

Барча омиллар бир-бири билан боғлиқликка эга, аммо иқтисодий таҳлилнинг шартига кўра уларни шартли равишда гурухларга ажратилиб, ҳар бир омилни таъсир этиш даражаси алоҳида аниқланади. Чунки, юқорида санаб ўтилган омиллар ўзига хос мустақил маънога эга бўлиши билан бирга ўзаро бир-бирлари билан узвий боғланганлар. Бинобарин, бу омилларнинг таъсирини механик тарзда бир-бирига қўшиб ҳам бўлмайди. Масалан, меҳнат унумдорлигининг ўсиши ишчиларнинг иш вақтидан самарали фойдаланишга, ишчиларнинг касбий малакасига боғлиқ (меҳнат омиллари). Сўнгра, меҳнат унумдорлиги корхонанинг асосий воситалар билан таъминланиш даражасига, асосий воситаларнинг техник ҳолатига ва улардан самарали фойдаланиш даражасига боғлиқ (меҳнат воситалари омиллари). Нихоят, меҳнат унумдорлигининг ўсиши моддий ресурслардан самарали ва тежамли фойдаланишга (меҳнат буюмлари омили) боғлиқ.

Демак, аввал ҳар бир омиллар гурухи алоҳида-алоҳида ўрганилади. Сўнгра учала омиллар гурухини таҳлил қилиш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш борасидаги йифма (комплект) резервлар (имконият) тўғрисида умумий ҳулоса берилади. Ҳар бир омиллар гурухи, ўз навбатида, миқдор (экстенсив) ва сифат (интенсив) кўрсаткичларга бўлинади. Миқдор кўрсаткичи-ресурсларнинг мавжудлигини кўрсатса, сифат кўрсаткичи эса, ресурслардан самарали фойдаланишни кўрсатади. Аввал миқдор, сўнгра сифат кўрсаткичларнинг таъсири ўрганилади. Чунки, корхонада ички имкониятлардан самарали фойдаланиш бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш

ҳажмига таъсир қилувчи омиллар таъсирини миқдор ва сифат жиҳатдан ҳисоблаш асосий масала ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, корхоналар фаолиятини ривожлантиришда иқтисодий таҳлил муҳим вазифаларни бажаради. Жумладан, таҳлил олиб бориш натижасида бизнес-режанинг қанчалик хаётй эканлиги ўрганилади ва илмий жиҳатдан асосланганлигига баҳо бериш имконияти яратилади. Бу корхона фаолиятини ривожлантиришга имконият яратиб, келажак ишларни режалаштиришда олдинги бизнес режада йўл қўйилган камчиликларни такрорламаслик имкониятини беради. Бундан ташқари бизнес режани илмий жиҳатдан асосланганлигига эришилади.

Корхонани иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиш, корхона иқтисодиётини ривожлантиришнинг жорий ва истиқбол режаларини тузиш учун иқтисодий кўрсаткичлар базасини аниқлаш имконини беради. Бу ўз навбатида корхона маблағларидан самарали фойдаланиш имкониятларини очиб беради. Яъни жорий режада бугунги кунда мавжуд маблағлардан самарали фойдаланиш режаси ишлаб чиқилса, истиқбол режада корхонага келажакда маблағ жалб қилиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, бу орқали корхонани ривожлантириш истиқболини белгилаш мумкин бўлади.

Бизнес-режасининг бажарилишига объектив баҳо бериш ҳамда уни бажаришда корхоналарга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган омиллар ва сабабларни бир-биридан ажратиб аниқлаш ҳам корхона фаолиятини ривожлантиришга таъсир қилаётган омиллар таҳлилини олиб бориш ва бу орқали корхона фаолиятини ривожлантириш истиқболларини белгилаш учун хизмат қиласди.

Ички хўжалик резервларини аниқлаш орқали эса юқорида таҳлил қилиб ўтканимиздек, ички имкониятлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали, ортиқча харажатларни иқтисод қилган ҳолда, ишлаб чиқаришни қўпайтириш яъни корхона фаолиятини ривожлантиришга хизмат қиласди.

Корхоналарнинг хўжалик фаолиятида кутиладиган натижаларни олдиндан аниқлаш эса бозорга кириб бора олиш имкониятини баҳолашга хизмат қиласди. Бу билан ушбу фаолият тури ёки ушбу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқми ёки йўқми каби саволларга жавоб олиш мумкин бўлади. Бу эса келажак истиқбол режани тўғри белгилаш орқали корхона фаолиятини ривожлантиришга хизмат қиласди.

Таҳлил материалларига асосан эса ишлаб чиқаришда аниқланган камчиликларни тузатишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва бу тадбирларни амалга ошириш орқали корхона фаолиятини ривожлантиришни янги босқичларига олиб чиқиш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, экспортбоп маҳсулот яратиш, ички бозорни сифатли ва миллий маҳсулот билан бойитиш, қўшимча иш ўринларини яратиш имконини беради.

**Фойдаланилган адабиётлар руйхати.**

1. Шоалимов А.Х., Илхамов Ш.И., Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил вааудит. Дарслик. – Т.: Сано-Стандарт нашриёти, 2017.
2. Шоалимов А.Х. Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. – Т.: Иқтисодиёт, 2019. -235 б.
3. Б.Хасанов, М.Рахимовларнинг умумий таҳрири остида. Молиявий таҳлил. Дарслик. –Т.: -Иқтисодиёт|| 2019. -736 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т.:Ўзбекистон, 2019.- 46 б.
5. Ваҳабов А.В. ва бошқалар. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик. –Т.: Иқтисод-молия, 2013. - 600 б.
6. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. –Т.: ПринтЛине-гроуп, 2017. -396 б.
7. Майдинов Б.Н. Иқтисодий таҳлил ва аудит. Ўқув қўлланма. -A.: Step by step print, 2023. -172 б.